

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2021 йил ноябрь ойининг 12 куни, жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг сайёр суд мажлиси, Поп тумани, “Ҳазрати-боб” МФЙ биносида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси Д.Мадаминовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Эргашеванинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Поп туман прокурорининг ёрдамчиси Ф.Каримджанов, судланувчи С.Обидов, жабрланувчилар, М.Ортиқова, Ш.Абдуқодирова ва Х.Ортиқовнинг иштирокида, Обидов Солижон Набиевичга оид 1-1611-2101/271-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Обидов Солижон Набиевич, 1952 йил 10 апрелда Чуст туманида туғилган, тожик, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, нафақада, оилали, 5 нафар фарзанди бор, судланмаган, Чуст тумани, “Мустақиллик” МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 35-уйда яшайди, жиноят иши бўйича 2021 йил 23 сентябрдан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2021 йил 30 сентябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 117-моддасининг 1-қисми, 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчиларнинг судга тақдим этган ўзаро ярашув ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиб, уларнинг кўрсатувларини ҳамда тарафларнинг фикрини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан, судланувчи С.Обидов 2021 йил 19 июль куни “Дамас” русумли, 50P437NA давлат рақамли автомашинасини Чуст тумани, “Бофанда” МФЙ худудида жойлашган Сўфизода ва Олмос кўчалари кесишган чорраҳада бошқариб кетаётиб, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 7-бандида “Механик транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларни ёнида олиб юриши ва ИИО ходимлари талаб қилганда текшириш учун тақдим этиши шарт: ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини ёки транспорт воситасини вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талонни, ҳайдовчилик гувоҳномаси белгиланган тартибда олиб қўйилган бўлса, унинг талонини, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони олиб қўйилган ҳолларда вақтинчалик рухсатномани; вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талон ёки вақтинчалик рухсатнома билан транспорт



воситасини бошқаришда ҳайдовчининг шахсини тасдиқловчи хужжатни;” деб, 31-бандида “Қизил ишора, шунингдек милтиловчи қизил ишора ҳаракатланишни тақиқлайди” деб, 103-бандида “Светофорнинг рухсат этувчи ишораси ёнганда ҳайдовчи чорраҳа орқали ҳаракатланишни тугаллаётган транспорт воситалари ва қатнов қисмидан тегишли йўналишда ўтишни тугаллаётган пиёда(лар)га йўл бериши шарт” деб, 13-бандида “Йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда унга дахлдор ҳайдовчилар қуйидагиларни бажаришлари шарт: транспорт воситасини дарҳол тўхтатиши, авария ишораларини ёқиши ва авария сабабли тўхташ белгисини ўрнатиши, транспорт воситасини ва ҳодисага дахлдор буюмларни жойидан қўзғатмаслиги; шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриши, тез тиббий ёрдам ва фавқулодда қутқарув хизматларини чақириши, шошилиш ҳолларда эса шикастланганларни яқин орадаги даволаш-профилактика муассасасига йўлакай транспорт воситасида жўнатиши, бунинг имкони бўлмаган ҳолларда ўз транспорт воситасида олиб бориши, у ерда ўз исми-шарифи, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақам белгиси ҳақида ахборот бериши (ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни ёки ҳайдовчилик гувоҳномасини ва транспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлик хужжатини кўрсатиши) ва ҳодиса рўй берган жойга қайтиб келиши; агар бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатига тўсқинлик қилса қатнов қисмини бўшатиши. Қатнов қисмини бўшатиш ёки шикастланганларни ўз транспорт воситасида даволаш-профилактика муассасасига олиб бориш зарур бўлганда, йўл-транспорт ҳодисасига дахлдор ҳайдовчилар аввало транспорт воситаси, ҳодисага алоқадор буюмлар ва изларнинг ҳолатини гувоҳлар иштирокида дастлабки қайд этишни амалга ошириши, уларнинг йўқолмаслиги ва ҳодиса рўй берган жойни айланиб ўтишни ташкил қилишнинг барча чораларни кўриши; ҳодиса ҳақида ИИОга хабар бериши, гувоҳларнинг исм-шарифини ва яшаш манзилини ёзиб олиб, ИИО ходимларининг келишини кутиши” деб кўрсатилган талабларни қўпол равишда бузиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмасдан, Х.Ортиков бошқарувидаги “Дамас” русумли, 50L172DA давлат рақамли автомашинага урилиши натижасида йўловчилар М.Ортиқова ва Ш.Абдуқодировага енгил, ҳайдовчи Х.Ортиковга ўртача оғир шикаст етказиб, уларга ёрдам кўрсатмасдан ҳодиса жойидан кетиб юбориб, М.Ортиқова, Ш.Абдуқодирова ва Х.Ортиковни соғлиғини хавф остида қолдирганликда айбланган.

Чуст туман СТЭБнинг 2021 йил 3 августдаги 1101/1078-сонли хулосасида, Х.Ортиковнинг тан жароҳатлари – чап қўл 2-3-бармоқ тирноқ фалонгаси асосидан синиши, чап қўл 2-бармоқ соҳаси яраси кўринишида бўлиб, ўртача оғир шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Чуст туман СТЭБнинг 2021 йил 3 августдаги 1108/1085-сонли хулосасида, Ш.Абдуқодированинг тан жароҳатлари – чап тизза соҳаси шилинма кўринишида бўлиб, соғлиқни бузилишига сабабчи бўлмаган енгил шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.



Чуст туман СТЭБнинг 2021 йил 3 августдаги 1109/1086-сонли хулосасида, М.Ортиқованинг тан жароҳатлари – тирсак бўғими, ўнг тизза соҳаси қонталаш кўринишида бўлиб, соғлиқни бузилишига сабабчи бўлмаган энгил шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Судланувчи С.Обидов суд мажлисида, судга ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаб етгани, жабрланувчиларга етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчилар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олгани, ўртадаги ярашувга рози эканини билдириб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи Х.Ортиқов судга ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, С.Обидов томонидан содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида тан жароҳати олгани ҳамда автомашинасига моддий зарар етгани, ҳозирда соғлиғи яхшилиги, етказилган зарар тўлиқ қоплангани, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин, келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, С.Обидовга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи М.Ортиқова судга ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, С.Обидов томонидан содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида тан жароҳати олгани, ҳозирда соғлиғи яхшилиги, етказилган зарар тўлиқ қоплангани, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин, келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, С.Обидовга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ш.Абдукодирова судга ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, С.Обидов томонидан содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида тан жароҳати олгани, ҳозирда соғлиғи яхшилиги, етказилган зарар тўлиқ қоплангани, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин, келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, С.Обидовга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 117-моддасининг 1-қисми ва 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.



Суд, жабрланувчилар М.Ортиқова, Ш.Абдуқодирова ва Х.Ортиқов ҳамда судланувчи С.Обидовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши хужжатлари билан ўрганиб, Поп туман прокурорининг ёрдамчиси Ф.Каримджановнинг фикрини эшитиб, судланувчи С.Обидовнинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ қоплангани, уларни судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, жабрланувчиларга ҳамда судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмагани, судда ўзаро ярашув ҳақида ўз ихтиёрлари билан ариза ёзиб берганликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 117-моддасининг 1-қисми ва 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятлар ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, С.Обидовни жиноий жавобгарликдан озод этиб, унга оид жиноят ишини тугатишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчилар М.Ортиқова, Ш.Абдуқодирова ва Х.Ортиқовга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишларини тушунтиришни, жиноят ишига қўшилган бир дона “DVD” дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси, ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Обидов Солижон Набиевичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 117-моддасининг 1-қисми, 266-моддасининг 1-қисми билан кўзғатилган жиноят иши у жабрланувчилар билан ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Обидов Солижон Набиевичга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят ишига қўшилган бир дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

Д.Мадаминов

“Аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича

Поп туман судининг раиси

Д.Мадаминов

